

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

**654 Идоравий норматив-хукуқий хужжатларни тайёрлаш
ва қабул қилиш қоидаларининг 65-бандига қўшим-
ча киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон «Қонун хужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мҳ-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-хукуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг 65-банди қуидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) идоравий норматив-хукуқий хужжатнинг муҳокамадан ўтказилганини ва унинг натижалари хақидаги маълумотлар (агар идоравий норматив-хукуқий хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса).».

2. Мазкур бўйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-хукуқий хужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Конун хужжатларини туркумлаш ва хукуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) ушбу идоравий норматив-хукуқий хужжатни «Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур бўйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирининг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
317-мҳ-сон

Н. ЙўЛДОШЕВ